



Меҳнат бўлса,
ризқ бор, ирода бўлса,
барака бор

3-с.

Ўрганишлардан сўнг
одамларнинг турмуш тарзи,
ҳаёт сифати кескин ўзгарди

4-с.



МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

“Яшил макон” — мавсумийлик касб этмаган умуммиллий ҳаракат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан тўрт йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бугун чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт кўчатлари экиш анъанаси жонланди.

Президентимизнинг ўзи бунда доимо ўрнатқан. Аввалги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзор, Бектемир туманларида кўчатлар эккан эди. Шу орқали Тошкент халқа йўли бўйида яшил ҳудудга асос солинди. Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилади. “Бу анъана ўзи бизда бор. Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги

ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. ...Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўиши керак”, — деган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, шундай. Бу жараёнда — кўчат экиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишда катта куч —



махаллаларда. Яшиллик, ободлик ҳам, аввало, одамларнинг ўзига керак. Шу боис “махалла еттилиги” вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан, жами 6 миллион дона манзарали дарахт ўстириши белгиланган. Шунингдек, бошқа кўчалар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида, умуман, маҳаллаларда 20 миллион дона манзарали ва мева-ли дарахт экса бўлиши қайд этилган.

Давоми 2-саҳифада.



..... УЮШМА КЎМАГИДА

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ҲАР БИР ЖАРАЁННИНГ УСТУВОР МЕЗОНИДИР

Жамиятда тартиб-интизомга риоя қилиш, қонунларга ҳурмат ва итоатда бўлиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бу масъулият, аввало, ҳар бир шахснинг ички интизомидан иборат ва у болаликдан шаклланиши лозим.

Ш ахс агар уйда, ишда ички тартиб интизомга ўрганган бўлса, жамиятда ҳам иллатлар, нуқсон ва камчиликларга лоқайд қараб туролмайди. Уларни бартараф этишда ўзининг ҳам бурчли эканини ҳис этади. Аксинча бўлса: фуқаролар жамият ҳаётида фаол бўлмаса, тартиб-интизом, қонун-қоидаларни назорат қилиш фақат давлат органларининг иши деб ўйласа, андиша, “менга дахли йўқ”, “оч қорним, тинч кўлоғим”, деган қарашда яшаса, тараққиётга ғов бўлувчи коррупция, бюрократик сансалорлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳеч қачон барҳам топмайди.

Буни маҳаллалар ҳаёти мисолида ҳам айтиш мумкин. Зотан, азалдан бирор-бир маҳаллага нотаниш киши кириб келса, унга “Кимсиз?”, “Қаердансиз?”, “Қандай юмуш билан маҳалламизда юрибсиз?” каби саволлар берилган ва бу ҳолат жамоат назорати сифатида намоён бўлган. Маҳалла тартиб-қоидаларига барчанинг амал қилиши шарт бўлган. Кимда-ким бу қоидаларга риоя қилмаса, у маҳаллада ўтадиган тадбирларга, тўй-маъракаларга таклиф этилмаган. Демак, бугун жамоатчилик назорати ўзининг тарихий илдиэларидан қувват оладиган фурсат етди.

Давоми 2-саҳифада.

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgu‘si” журнаliga ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ҳар икки нашримиз 2026 йил давомида Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ, ҳуқуқий маслаҳатчи ва илғор тажрибалар майдони ҳамда ошқора мулоқот минбарига айланади.

ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ — “МАНАЛЛА”НИ ҲАР КУНИ ВА ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС ЎҚИШИ КЕРАК!



Ҳа, айтганча, ҳар иккала нашрнинг обуна нархи ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233-39-89, 71 233-10-92

..... ТАВСИЯ



ЧАРЧОК, БУ — ТАРТИБСИЗ МЕҲНАТНИНГ МАҲСУЛИ!

8-с.

БУГУНГИ
СОНДА:

Ҳаёт ариғидан оққан бахт нашидаси

Кимларгадир бахт, бу — оиласи тинч, хотир-жам яшаши учун муносиб шароит бўлса, яна кимгадир у бойлик ва мол-дунё кўринишида акс этади. Лекин барча мезонлардан устун бўлган ўлчов бор, бу — эътибор.

5-с.

Имтиёз кўп бўлган жойда имкониятни чекланган, деб бўлмайди

“Бугун Чирчикдан пойтахтга ёки Тошкент шаҳридан Чирчикқа ўтган киши борки, маҳалламизга бир тўхтаб, ҳалими ёки гўжасидан тановул қилишади”.

6-с.

Харид учун ҳар нарса ҳозир, ором учун жой ҳам мунтазир

“Тоғнинг асалию сут-қатиғини истеъмол қилган киши борки, бу ерга яна қайтиб келади. Шу боис агро ва гастрономик туризмларни ривожлантириб, асаларичилик, балиқчилик ва чорвачиликни кўпайтирамиз”.

7-с.

Аллергиядан бутунлай халос бўлиш мумкинми?

Даволаш курси — 3 йилдан 5 йилгача. Муолажалар икки — инъекция ёки сублингуал усулда амалга оширилади. Иккинчи шакл таблетка ёки томизғи дориларни ўз ичига олади. Самарадорлиги бир хил.

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев пахтачиликда самарадорликни ошириш, қишлоқ ҳўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ЛАВОЗИМЛАРИ РЕЕСТРИга вазирлик ва идоралардаги 16 та турли лавозимлар киритилди.



Бизнес юритиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга доир навбатдаги ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.

УЮШМА КўМАГИДА

Жамоатчилик назорати — ҳар бир жараённинг устувор мезонидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сардор ЖўРАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси.

Қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, барчамизнинг яшаш жойимиз маҳалла ҳисобланади. Шу боис мамлакат миқёсидаги ислохотлар маҳалла ҳаётида акс этсагина бу янгиланишлар нафаси ҳар бир инсоннинг ҳаётига кириб боради. Бугунги кунда ислохот ва ўзгаришларни маҳалла даражасида ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Зеро, маҳаллага кириб борган ислохотлар оилаларга, инсон қалбига етиб боради. Уни ҳар ким ўз ҳаёти, тақдири мисолида ҳис этади. Айниқса, маҳалланинг чирой очиши, инфратузилмаси яхшиланишидан, аввало, шу ҳудудда яшаётган инсонлар баҳраманд бўлади. Бу жараёнларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим



аҳамиятга эга. Жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини, уларнинг муайян қатламини ташвишга солаётган муаммоларни айнан жамоатчилик назорати орқали ҳал этиш мумкин. Буни жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “маҳалла еттилиги” кўмағида амалга оширилган ишлар асосида ҳам кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида

9 008 та маҳалладаги 110 минг 666 та объектда жамоатчилик назорати ўрнатилди. Бу жараёнда 74 минг 680 та муаммоли масала бартараф этилди. Хусусан, 6 448 та ҳолатда ичимлик сувни исроф қилишнинг олди олинди. 9 319 та вазиятда мунтазам дарсга қатнамайдиган ўқувчилар тўлиқ таълимга қайтарилди. Шунингдек, жараёнда экология ва атроф-муҳитга зарар



келтириш ҳолатларига барҳам берилди, дарахтларни парвариш-лаш ҳамда савдо қоидаларига риоя қилиниши таъминланди. Ноқонуний қурилишлар ва ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари тўхтатилди, ноқонуний дарахт кесилишининг олди олинди. Маҳалла раислари раҳбарлигида “еттилик” билан биргаликда аҳолининг 96 минг 563

та ижтимоий муаммоси ҳал этилди. Бу жараёнда 9 198 нафар фуқаронинг уй-жойлари қурилиб, таъмирланди. 14 минг 917 нафар ногиронлиги бўлган шахсга арава ва қўлтиқтаёқ берилди, 11 минг 924 та оғир турмуш шароитидаги оилага моддий ёрдам ажратилди. 19 минг 664 нафар ёш бепул тўғаракларга жалб этилди. Жамоатчилик назоратини

ўрнатиш орқали маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига эришилди. Бу ҳақда сўз кетганда, 3 405,5 километр ички йўللار асфальтланди, 1 884,3 километри шағаллаштирилди. 546,4 километр газ тармоқлари таъмирланиб, 705 мингга оилага суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. Кўчаларга 50 минг донга янги темир-бетон устунлари ўрнатилди. 78 минг 714 та хонадон томорқасига оқова сув олиб келинди.

Жамоатчилик назорати фақатгина муаммоли масалаларни ҳал этиш билан қўлмаяпти. Жараёнда ёшлар таълим-тарбияси, юриш-туриши, оилавий ажралишларнинг олдини олиш масалаларига ҳам эътибор қаратиляптики, бу маҳаллаларда азалдан шаклланган қадриятларни тиклашга хизмат қиляпти. Аҳоли назорати тўй-ҳашамларни дабдабадан холи ўтказиш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниҳоҳ ҳолатларига барҳам бериш ҳам самарали натижаларни берапти.



“ДОЛЗАРБ БИР ОЙЛИК”

“ЯШИЛ МАКОН” — МАВСУМИЙЛИК КАСБ ЭТМАГАН УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Азамат НИШОНБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати бўлим бошлиғи.

Президентимиз раислигида жорий йил 26 сентябрь кунини ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда “Яшил макон” дастурининг ижроси муҳокама қилинар экан, бу йил баҳорда экилган 137 миллион кўчатнинг 27,5 миллиони қуриб қолгани танқид қилинди. Сабаби — баҳор ва ёз ўртасида иссиқ кунлар тез келиб қолиши оқибатида экилган кўчатлар унишга улгурмади, уларга одатдагидан 2-3 баробар кўп сув сарфлашга тўғри келди. Шу муносабат билан дарахтни кузда экишни кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу йилги куз мавсумида 125 миллион туп дарахт ва бута, баҳорда яна 75 миллионга кўчат экиш режалаштирилди. Бу жараёнда суғориш тизими ва имконияти йўқ жойларга кўчат экмаслик талаб қилиб қўйилди. Айни вазифалар ижроси доирасида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 ноябрда тегишли баёни қабул қилиниб, 2025 йил куз мавсумида 9 008 та маҳалланинг барчасида “еттилик” аъзолари, кўчабошилар билан биргаликда 20 миллион 347 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экиш бўйича аниқ режалар белгилаб берилди. Шундан 311 минг 737 та камбағал оиланинг хонадонига 20 тупдан, жами 8,2 миллион туп мевали дарахт ўтказилди.



Жорий йилнинг 8 ноябридан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Долзарб бир ойлик” эълон қилинди.

Аслида, кўчат экиш ота-боболаримиздан қолган анъана. Қайси уйда чақалоқ туғилса, яхши кун, тўй-томоша бўлса, кўчат экилади. Янги туғилган чақалоқ шарафига экилган тераклар келажақда уй қуришга ишлатилса, ёнғоқ ва тут дарахтлари меvasи, соясида болалар ўйнаши ва, энг асосийси, кўп миқдорда кислород ишлаб чиқариши учун экилган.

Боболаримиз кўчатни ниҳоллар уйкуга кетиш олдидан, асосан, куз фаслида ёки эрта баҳорда ниҳоллар уй-ғонмасдан туриб экишган. Чунки кузда экилган ниҳол қиш мавсумида ерга тез мослашиши, илдизнинг қулай ўрнашуви туфайли баҳорга бориб, бир йил аввалги кўчатлар қаторига етиб олади, тез ўсади. Шу боис кузда экилган кўчатда сувсизликдан қуриб қолиш, томирларнинг шикастланиши каби муаммолар кам учрайди. Давлатимиз раҳбарининг дарахтни кузда экишни кўпайтириш зарурлиги ҳақидаги тавсиялари моҳиятида ҳам шу ётади, аслида.

Дарвоқе, айни йўналишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида

ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Президент фармони имзоланган.

Унга кўра, 2025 йил 1 октябрдан бошлаб, “Яшил макон” электрон платформасида аҳоли ташаббуси билан дарахт экилиши мумкин бўлган аниқ ҳудуд (туман (шаҳар), кўча, ер участкасининг координатлари), сув таъминоти, кейинчалик парвариш қилиш имконияти ва дарахтларнинг турлари кўрсатилган. Давлат бюджетига ҳисобидан амалга ошириладиган ишлар жамоатчилиikka “ҳар бир тийин сарфланишни кузатиш” тамойили асосида онлайн етказилди.

Дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатнома бериш юзасидан мурожаат қилган шахс тўғрисида маълумот, кўчирилиши ёки кесилиши тақлиф этилаётган дарахт ва кўчириш (кесиш) сабаби, аниқ манзили, жойлашуви, фото ва видео тасвирлари акс эттирилади. Дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини қонунга ҳилоф равишда кесган ёки йўқ қилган шахсларнинг компенсация сифатида эккан дарахт ва бута кўчатлари ҳисобини юритиш тизими жорий этилади.

Умуман олганда, бугун маҳаллаларда кўчат экиш ишлари қизгин паллага кирган. “Маҳалла еттилиги”, кўчабошилар, нуронийлар ташаббуси ва маслаҳати билан йиғинларда яшил манзилларни кўпайтиришга бел боғланган. Бу жараёнларда ота-боболаримиздан қолган қадриятларни тиклашга, ҳашарлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

ТАНЛОВ

Ободлик борасида моҳирлар сараланди

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичлари давом этмоқда.

Фарғона шаҳар босқичида 73 та маҳалладан 180 нафардан ортик кўчабоши ва 300 нафарга яқин хонадон эгалари иштирок этди. Танлов низомига кўра, шаҳар босқичи иштирокчилари биринчи шарт бўйича “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” йўналишида амал-

га оширилган ишларни 5 дақиқалик ролик ва электрон тақдимот шаклида тақдим қилган бўлса, иккинчи шартда маҳалла раисларининг билим савияси, дунёқараши, фикрлаш қobiliяти, мулоҳаза юритиши, шунингдек, соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида берилган саволларга жавоблари баҳоланди.



Якуний натижаларга кўра: “Обод маҳалла” номинацияси бўйича — “Машъал” маҳалласи раиси Рустамжон Раҳмонов; “Обод кўча” йўналишида “Сурхтепа” маҳалласининг Ҳайрат кўчаси кўчабошиси Сойибжон Абдураззоқов; “Обод хонадон” номинацияда “Ҳўжамағиз” маҳалласида яшовчи Ҳусниддин Тешабоевлар оиласи 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ҚУЛАЙЛИК

ОНЛАЙН МАЪЛУМОТЛАР ҚОҒОЗ ШАКЛИГА ТЕНГ ЛАШТИРИЛДИ

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар энди қоғоз ҳужжатлар билан тенг юридик қучга эга.



Сирожиiddин ЙўЛДОШЕВ, Китоб тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси.

Бу — “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган.

Фармонга кўра, 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб, фуқароларнинг шахсий маълумотларини олиш ва тақдим этиш жараёни тўлиқ “my.gov.uz” — Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширила бошлади. Мазкур платформа орқали шакллантириладиган маълумотлар қоғоз ҳужжатлар билан бир хил юридик қучга эга бўлди. Энди давлат органлари ва ташкилотлари мазкур портал орқали маълумотлар кўрсатилганда, уларнинг қоғоз кўринишидаги нуқсасини талаб қила олмайдди. Янги тартиб фуқароларга ўз маълумотларини онлайн кўриш, зарур ташкилотларга тақдим этиш ва барча жараёнларни ягона рақамли манбадан бошқариш имконини яратди. Давлат идораларининг фуқаролардан ортикча маълумотнома ва ҳужжат нуқсаларини талаб қилиш амалиётини қамайтиради. Рақамлаштириш натижасида навбатда туриш, қоғоз шаклда ариза топшириш ва бир нечта идорага қатнаш шарт бўлган босқичлар қисқарди.

Маълумот учун, Қорақалпоғистон Республикасида 1 миллион 450 минг туп, Андижон вилоятида 2 миллион 251 минг туп, Бухорода 1 миллион 500 минг туп, Жиззахда 990 минг туп, Қашқадарёда 2 миллион 181 минг туп, Навоийда 900 минг туп, Наманганда 1 миллион 374 минг туп, Самарқандда 1 миллион 589 минг туп, Сирдарёда 1 миллион 50 минг туп, Сурхондарёда 1 миллион 586 минг туп, Тошкент вилоятида 1 миллион 783 минг туп, Фарғонада 2 миллион 44 минг туп, Хоразмда 1 миллион 527 минг туп ва Тошкент шаҳрида 147 минг туп мевали, манзарали ва бута кўчатлари экиши белгиланган.



75 турдаги субсидияни бирлаштирадиган АГРАР СОҲАДА ТЎЛОВ АГЕНТЛИГИ ташкил этилади.



Ҳукумат қарори билан озиқ-овқат маҳсулотларига санитария-эпидемиологик ХУЛОСА БЕРИШ ТАРТИБИ белгиланди.



2026 йил 1 январдан “БИЗНЕСНИ 15 ДАКИҚАДА БОШЛАШ” тамойили асосида тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилади.

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ҒУЗОР
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОБОДЛИК, ОЗОДАЛИК, БЕҒУБОРЛИК — ҒУЗОРЛИКЛАР АЪМОЛИДИР

Маҳалла, бу — болалигимиз хотираси, кўни-қўшни билан ширин суҳбатлар қилган, қувонч ҳам, ғам ҳам баҳам кўрилган маскан. Одам қаерга кетмасин, қаерда яшамасин, унинг қалбида ҳар доим бир ҳақиқат қолади: маҳалла бор экан, миллатнинг ўзи барҳаёт.

Баҳодир НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Ғузор тумани
бўлими бошлиғи.

Шунинг учун Ғузор туманида маҳалла тизимини ривожлантиришни фақат бир вазифа эмас, балки катта масъулият ва шараф, деб биламиз. Йил бошида маҳалла раислари сайлови ўтказилиб, 47 та йиғинга халқ ишонган янги раҳбарлар сайланди. Бу жараёнинг ўзи одамларнинг маҳалла ҳаётига қанчалар масъулият билан қарашини кўрсатди. Янги раислар орасида тажрибали раҳбарлар ҳам, янги фикр ва куч билан келган ёшлар ҳам бор.

Ободонлик ишларига келсак, қайси маҳаллага кирсангиз, фасадлари янгиланган хонадонлар, озода кўчалар, оқланган дарахтлар, кўкаламзор худудлар кўзга ташланади. Минглаб хонадонлардаги таъмир ишлари, юзлаб кўчалар-



даги тартиб ва 457 километр ариқ-лотокларнинг тозаланиши — буларнинг барчаси аҳолининг кундалик ҳаётини енгиллаштириш, турмуш тарзини яхшилаш учун қилинди.

Одамнинг кайфияти кўчадаги ҳолатга қараб белгиланади. Эрталаб ишга кетаётганда тоза йўлдан юргани, кечкурун уйга қайтганида саранжомлик қарши олиши мана шу вазият билан боғлиқ. Шунинг учун кўчаларга ўрнатилган қўшимча чироқлар, оқланган дарахтлар, асфальтланган йўллар фуқаролар учун катта аҳамиятга эга. Йил бошида “Омбор дафтери”га 2 мингдан ортиқ ишсиз рўйхатга олинган бўлса, шу вақтга 1 247 нафари иш билан таъминланди. Бу бир рўйхатдаги рақамлар эмас, балки шунча оиланинг даромадли бўлгани, шунча инсоннинг эртанги кунга ишончи ошгани дегани.

Оилавий тотувликни

саклаш мақсадида олиб-рилган суҳбат ва маслаҳатлар 95 та оиланинг ярашувига сабаб бўлди. Агар битта оила ажралишдан сақланса ҳам бу катта ютуқ, чунки ҳар бир оиланинг тақдири, бу — болалар тақдири, бу жамиятнинг келажаги. Тумандаги 10 та маҳаллада бирорта ажралиш қайд этилмагани эса аҳоли ўртасидаги бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва оила қадрига бўлган муносабат юқорилигидан далолат беради.

Жиноятчиликнинг камайиши, аксинча “яшил” худудлар сонининг кўпайиши ҳам маҳаллалардаги муҳит

соғломлашаётганини кўрсатади. Одамлар ўзини хавфсиз ҳис қилишини таъминлаш учун ўрнатилган камералар, домофонлар, ёритиш қурилмалари — буларнинг барчаси тинчлик ва осойишталик учун хизмат қиляпти.

Энг қувонарлиси, туманда **мурожаатлар сезиларли даражада камайди**. Демак, одамлар муаммоси ечимини узоқдан эмас, ўз маҳалласида топомқда. “Маҳалла еттилиги”нинг қилган ўз вақтидаги ишлари одамларнинг ишончини оширди. Мурожаатларнинг катта қисми ижобий ҳал қилингани ҳам шунинг исботи.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла бугун нафақат ижтимоий институт, балки фуқароларнинг энг ишончли таянчига айланди. Биз ҳар бир ишимизни “одамлар рози бўлсин”, деган мақсад билан қиламиз. Зотан, Ғузорнинг ҳар бир маҳалласини обод, фаровон ва тинч маконга айлантириш, бу — бизнинг вазифамиз, бурчимиздир.

МЕҲНАТ БЎЛСА, РИЗҚ БОР, ИРОДА БЎЛСА, БАРАКА БОР

Баъзида киши ўйланиб қолади, имкониятлар шунчалар кўпайган, ерга экин экиш, тадбиркорлик, кичик бизнес учун дарвозалар очилган бир пайтда нега баъзилар ҳали ҳам боқимандалик кайфиятидан чиқолмаяпти?

Воҳид МЕЙЛИЕВ,
Ғузор туманидаги “Янгиҳаёт”
маҳалласи раиси.

Албатта, касал-камбағал, ногирон, ёрдамга муҳтож инсонлар бор. Бундай пайтда муаммога кўз юмиб бўлмайди. Лекин тетик, соғлом, бақувват, қўлидан иш келадиган инсоннинг “раис, бирор нарса беринг” деб келиши мени ўйлантиради.

Шу ўринда ақинда юз берган воқеани айтиб ўтмоқчиман. Миграциядан қайтган тўрт нафар йигит бор эди. Уйда келишмовчилик, ишсизлик, даромад йўқлиги сабаб оилаларида тинчлик йўқолган. Ҳар бири оилада ягона боқувчи, аммо ҳеч қандай пойдевори йўқ, иш билан четда қийналиб келган. Улар билан суҳбатлашиб, қўлидан нима келиши, нимага қобилияти борлигини сўрадим. “Иш бўлса, ишлаймиз”, деб жавоб беришди.

Уларнинг ниятини қўриб, аукцион орқали қатор қилиб ер ажратиб бердик — 50 сотихига помидор, 50 сотихига булғор қалампири экишди. Аввалига ишончлари паст эди, лекин ер меҳнатни яхши кўради. Натижа ҳаммамизни ҳайратга солди: помидордан 70 миллион сўм, қалампирдан 43 миллион сўм,



шолғомдан 15 миллион сўмга яқин фойда олинди. Жами 8 ойда 120 миллион сўмдан ортиқ даромад келди.

Энди ҳисоблаб кўринг: қишлоқда ўртача ишчи йил давомида 60-65 миллион сўм атрофида ойлик олади. Бу йигитлар бир кетмон, бир белкурак орқасидан икки баробар кўп пул топишди.

Шундан хулоса чиқариш мумкинки, халқимизда имкониятлар бор, лекин аксарият одамлар ишлашга тоқат қилмайди. Кўпчилик чет элга кетиб, осон йўл излашга шошилади. “Тайёр иш, тайёр маош бор”, деб ўйлашади. Лекин шу ерда, ўз қўли билан меҳнат қилса, икки баробар кўп топиш мумкин. Тўрт йигитнинг тажрибаси шунинг аниқ исботи бўлди: меҳнат бўлса, ризқ бор, ирода бўлса, барака бор.

“Маҳалла”ни ўқимок, бу — ўрганиш ва ривожланишдир

●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”



Сарвар ХУШМИРОВ,
Ғузор туманидаги
“Соғлиғор” маҳалласи раиси:

— Бугун маҳалла ишларини оқилонга йўлга қўйишда ахборотнинг роли беқиёс. Лекин ҳар қандай ахборот эмас, аниқ, ҳолис ва амалий фойда берадигани муҳим. Шу жиҳатдан “Mahalla” газетасини жуда қадрлайман. Чунки бу газета биз раҳбарлар

учун ёрдамчи қўл, маслаҳатчи, ўқув қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

“Mahalla” газетасида энг кўп қадрлайдиган жиҳат — унда муаммолардан қочилмайди. Аксинча, улар очиқ ёритилади, тавсиялар берилади, бошқа худудларда топилган ечимлар тақдим этилади. Бу эса йиллар давомида тўпланган тажри-

баларни алмашишга хизмат қилади. Ҳар бир рақам, ҳар бир мисол, ҳар бир фикр амалда ишлайдиган даражада ёритилгани учун уни ўқиш — бу фақат маълумот олиш эмас, балки ўрганиш ва ривожланишдир.

Газетани ўқиб бориш орқали кўп нарсани қайта қўриб чиқдим. Масалан, ёшлар тарбиясига оид мақолалар асосида

маҳалламизда “Бир маҳалла — бир ташаббусчи ёш” лойиҳасини бошладик. Шу орқали бир неча иқтидорли йигит-қизлар ўз ғояларини амалда намойиш этиш имконига эга бўлишди. Бу ишлар айнан газета мақолалари сабаб илҳомланиб бошлангани мени ҳар доим қувантириб туради. Шунинг учун ҳам ҳар йили обуна бўлишни биринчи ўринга қўяман.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

●●●●● КЎЗГУ

“Жўжа лойиҳаси” ҳовлидаги хазинага айланган

Тонг сахар маҳалламиз кўчаларини айланиб юрганимда бир уй олдида қизиқ манзарага дуч келдим...

Менис РОЗИҚОВ,
Ғузор туманидаги
“Тенгдош” маҳалласи раиси.

Кўлда кичкина кутича, ичидан “пи-пи”лаган овозлар... Уй эгасининг қизи жўжаларни меҳр билан силаб, онасига овқатлантиришда ёрдам бераётгани кўнглимга илқилик солди. Ўша пайт ўйлаб қолдим: мана шу кичкина жўжа — бир оиланинг эртанги кунига сабаб бўладиган барака бошланиши бўлиши мумкин. Шундан кейин аҳолига қўлдан келганича қўшимча даромад манбаи яратиш фикри янада мустаҳкамланди.

2022 йилдан буён маҳалла раиси сифатида хизмат қиламан.



Йиғинимизда 3 576 нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамларимиз ҳалол, меҳнатқаш: кимдир Шўртангаз кимё заводига, кимдир нефт-газ корхоналарида, бошқалар қишлоқ хўжалигида ишлаб, ризқини топади. Деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам яхши йўлга қўйилган.

Аммо маҳалла ҳаётининг энг барқарор тирикчилиги, бу — ўз ҳовлисида қилинадиган меҳнат.

Айнан шунини қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда “**жўжа лойиҳаси**”ни йўлга қўйдик. Бу жараёнда 4 500-5 000 донга зотдор жўжа тарқатдик. Улар 40 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага бепул берилди. Бу — бир марталик ёрдам эмас, балки ҳар бир хонадоннинг ўз даромад манбасига эга бўлиши учун яратилган имкониятдир.

Жўжаларни самарқандлик тажрибали тадбиркордан олдик.



Бу турдаги уй товуклари 120 кунда тухумга қиради, қаров жараёни ҳам оддий. Жўжалар берилганига бир ойдан ошди, ҳозир улар яхши парвариш қилиняпти. Қўллаб оилалар биринчи бор паррандачилик билан шуғулланаётгани учун уларга амалий ёрдам бердик.

Жўжани боқиш учун мураккаб шароит керак эмас: хона ҳарорати 18 градус атрофида бўлиши, сувнинг доимо тоза туриши,

дастлабки ҳафталарда витаминли ем берилиши, жойнинг қуруқ ва шамолламайдиган бўлиши кифоя — жўжа соғлом ўсади. 120 кундан сўнг товуклар тухумга қиради. Бир донга товук бир йилда ўртача 250-270 донга тухум беради. Бу дегани, 10 та товукдан йилгига 2 500 дан ортиқ тухум олиш мумкин, бу эса оила фаровонлигига сезиларли қўшимча даромад демакдир. Кимдир тухумни сотади, кимдир

истеъмол қилади, кимдир яна кўпайтириб, кўпроқ даромад қилади. Муҳими, оила энди доимий даромадга эга бўлади.



Маҳалламизнинг ҳар бир ховлиси, аслида, кичик бир хўжалик. Деҳқончилик, чорвачилик, эндиликда паррандачилик ҳам яхши ривожланиб борапти. Бизнинг мақсад — ҳар бир оила ўз ховлисида барака топиши, қўшимча даромадга эга бўлиши, эртанги кунига ишончи кучайиши. Кўп йиллик тажрибамдан бир ҳақиқатни айтаман: “Уйдаги товуги бор оиланинг ризқи узилмайди”.

Биз ана шу баракани кўпайтириш, маҳалламизни фаровон ва мустаҳкам қилиш йўлида изчил давом этамиз. Маҳалламизнинг ҳар бир ховлиси қувончга, ҳар бир хонадон эса барака ва тотувликка тўлсин.



2024 йил учун
ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИ ҲАЖМИ
қайта ҳисобланиб,
115 миллиард доллардан
121,4 миллиард
долларгача оширилди.



2026 йилдан бошлаб,
пахта-ғалла, мева ва
дуккакли экинлар бўйича
ҳосилни ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИ
жорий этилади.



2026 йил 1 январдан
якка тартибдаги
тадбиркорларга
ФИРМА НОМИГА
ЭГА БЎЛИШГА
рухсат берилади.

4

№93

| 2025 йил 19 ноябрь, Чоршанба

Mahalla

СИРДАРЁ
ВИЛОЯТИ
СИРДАРЁ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЎРГАНИШЛАРДАН СЎНГ ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ, ҲАЁТ СИФАТИ КЕСКИН ЎЗГАРДИ

Маҳалла тизимидаги
ислохотлар, бунёдкорлик
ишлари самараси туман
аҳолиси ҳаётига мазмун
киритди. Дарҳақиқат,
қисқа вақтда бир неча ўн
йилликларда бўлмаган
ишлар амалга ошди.
Одамларни узоқ вақт
давомида ўйлантириб
келган масалаларга ечим
топилди.

Ҳасан БАРАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Сирдарё тумани
бўлими бошлиғи.

Бундан 3 йил аввал
хўдудда ишсизлик ва
камбағаллик нисбатан юқори
эди. Масалага ечим топиш учун
хонадонларга кириб, ўргангани-
мизда, жуда катта имкониятдан
фойдаланмаётганимизга гувоҳ
бўлдик. Яъни, аксарият томорқа-
лар самарасиз ётарди.



Президентимиз вилоятимизга
ташрифлари давомида Сайхун-
обод туманида бўлиб ўтган
томорқа ва уй ҳўжаликларидаги
имкониятларни тўлиқ ишга солиш
орқали аҳоли даромадларини
ошириш чора-тадбирлари бўйича

видеоселектор йиғилишида ҳам
бу масалага алоҳида тўхталиб
ўтдилар. Шу йиғилишдан кейин
томорқачиликка янгича нигоҳ би-
лан қарадик. Ҳозир 3 146 гектар
ердан самарали фойдаланянимиз.
Хонадон эгаларининг аксарияти

томорқасида иссиқхона ташкил
этган. Бундан ташқари, тадбир-
корлик орқали янги иш ўринлари
яратишга эришянимиз.

“Орзу” маҳалласида яшовчи
уй бекаси Зулфия Ғоипова хо-
надонида сутни қайта ишлашга

ихтисослашган кичик корхона
ташкил қилди. Кунига 60-70 литр
сут қайта ишланиб, қаймоқ, қатиқ,
сариеғ маҳсулотлари тайёрлана-
ди. Харажатлардан орттириб, хо-
надони ёнидан мўъжазгина дўкон
очди. Бу ерда сут маҳсулотларини
сотиш йўлга қўйилди.

Нафиса Нурматова “Аҳиллик”
маҳалласида яшайди. 2-гурӯх
ногирони бўлса-да, бундан фожеа
ясамади. У ҳам тадбиркорлик
фаолиятини бошлаб, хонадонида
совун ишлаб чиқара бошлади.
Шу билан бирга, томорқасида
5 сотихли иссиқхона ташкил этди.
“Маҳалла еттилиги” кўмағида
унга ва оила аъзоларига бир неча
йўналишларда даромад топиш
имконияти яратилди.

“Истиқбол” маҳалласида ис-
тикомат қилувчи Манзура Айма-
това тикувчилик йўналишида фао-
лият олиб борапти. Этиборлиси,
чеварчиликнинг барча ускуна ва
жиҳозларини ўз маблағи ҳисоби-
дан сотиб олди. Маҳалласидаги
12 нафар хотин-қизни иш билан
таъминлади.

Табиийки, бу каби саъй-хара-
катлар ижобий натижа берапти.
Йил бошидаги ҳатловда 2 750
нафар ишсиз фуқаро рўйхатга
олинган эди. Бугунгача 90 фоизи
ишли бўлди. “Камбағал оилалар



Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси ташаббуси
билан мамлакатимиз
бўйлаб ўтказилаётган
“Обод хонадон”, “Обод
кўча” ва “Обод маҳалла”
кўрик-танловининг
маҳалла босқичи Сирдарё
туманидаги “Истиқбол”
маҳалласида бошланди.

реестри”га киритилган 250 та
оила камбағалликдан чиқарилди.

Маҳаллаларда жинойatchилик-
нинг олдини олишга алоҳида
эътибор берилляпти. Бунинг учун
370 та кузатув, 65 та юзни таний-
диган камера ўрнатилди. Нати-
жада 80 та хавфсиз кўча, 160 та
хавфсиз йўлак яратилди.

Бир сўз билан айтганда,
бугунги Сирдарё тумани кечаги-
сидан фарқ қиладди. Энг муҳими,
одамлар онги ва дунёқараши
ўзгарган, кўзида қувонч, ҳаётдан
мамнуллик, эртанги кунга ишонч
уйғонган.

ТАШАББУС

Экспорт ҳажми кўп миллиардлик довондан ошган

Хўдуд “драйвери” — иссиқхоначилик, кўчатчилик ва
лимончилик. Бундан 4-5 йил олдин 300 дан зиёд
хонадоннинг томорқасида иссиқхона мавжуд эди.
Бугунга келиб, уларнинг сони 1 000 тага етди.
Бирорта ишсиз, бекорчи топа олмайсиз.



Бобир ЖАББОРОВ,
Сирдарё туманидаги
“Кўёш” маҳалласи раиси.

Айниқса, “Бир маҳалла —
бир маҳсулот” тамойили
асосидаги ишларимиз вилоятда
оммалашган. Атиги 3 йил аввал
хўдудда экспортбop маҳсулотлар
деярли экилмаган, олинган ҳосил
фақат маҳаллий бозорга чиқарил-
ган. Дехқонлар билан гапни бир
жойга қўйиб, Исроил ва Голландия
давлатидан ҳосилдор уруғ олиб
келдик. Бундан кўзланган мақ-
сад — бандликни таъминлаш ва
камбағалликни қисқартириш эди.

Иш бошлашда дехқонлар
билан бир турдаги маҳсулот
(помидор, бодринг ва булғор
қалампири)лар етиштириш ва
марказлашган ҳолда экспортга
чиқаришга келишиб олдик. То-
морқадан самарали фойдаланиш
бўйича ўқув курси ташкил этдик.
Тингловчиларга керакли билим
берилди. Шунингдек, “Томорқа
хизмати” корхонаси иш бошлади.
Дехқонлар кичик трактор, иссиқ-
хонага ишлов берадиган турли
хил асбоб-ускуналарни ижарага
олиш имкониятига эга бўлди. Бу
— кам таъминланган, ўз меҳнат
куроллари мавжуд бўлмаганлар

учун қўлайлик туғдирди. Ижара
ҳисоб-китоби ҳосил йиғиб-териб
олганидан сўнг амалга оширилди.
Ҳозир ўртача 8 сотихли иссиқхо-
надан йилига 200 миллион сўм
даромад олияпти. 2024 йилда
хорижга жами 45 миллиард
сўмликдан ортиқ сабзавот экспорт
қилинди.

Эътиборга молик жиҳати,
хонадонларнинг бирида маҳ-
сулотларни қадоқлаш хизмати
ташкил этилган. Касаначилик
асосида хотин-қизлар иш билан
таъминланмоқда. Бундан ташқари,
лимончилик жадал ривожланяпти.
Ўтган йили 2 сотих лимонхонадан
бир мавсумда 2 тоннадан зиёд
лимон сотдик. Килоси 45 минг
сўмдан, бир туп лимондан йили-
га 200 кг.гача ҳосил олияпти. Шу
сабабли лимончиликни кенг
тарғиб қиляпман. Ҳоким ёрдамчи-
си соҳа бўйича Фарғона вилояти-
га бориб, тажриба олириб қайтди.
Бундан куч олган Эркин Нишонов
кредит ёвзасига иссиқхона қурди.
Маҳалла масъуллари қурилиш-
нинг ҳамма жараёнида ёрдам
бердик. Буюртма асосида кўчат
ўстиришни йўлга қўйдик. Бу ердан
100 миллион сўмдан ортиқ даро-
мад оляпмиз. Кўчатлар етказиб
берилгач, ерга помидор-бодринг
экиляпти. Шунда йиллик даромад
200 миллион сўмдан ошяпти.

“Миграциядагиларни “юртга қайтинг”, дейишдан иккиланмаймиз”

Яқин йилларда ҳам,
ишсизлиги учун хорижда
меҳнат қилаётганлар
билан суҳбатлашганда,
“юртга қайтинг”, дейишга
иккиланардик. “Қайтсам,
нима иш қиламан”, де-
ганларга жавобимиз бўл-
масди. Ҳа, улар тайинли
иш бўлмагани учун четга
кетиб, йиллаб ўша ерда
ишларди. Фарзандлари,
аёли жовдираб қоларди.
Ота-оналарнинг эса кўзи
йўлда, кўнгли хавотирда
яшарди.

Элдор РАҲИМОВ,
Сирдарё туманидаги
“Баҳмал” маҳалласи раиси.

Президентимиз ташаб-
буси билан ёшларга
ижара асосида ер ажратиш
тартиби йўлга қўйилгани ана
шундай хонадонларга қувонч,
бахт ва файз олиб кирди. Жо-
рий йил биз ҳам ишсиз, доимий



даромад манбаига эга бўлмаган
ҳамда миграциядан қайтган
68 нафар йигит-қизга 50 сотих-
дан ер бердик.

Аҳолининг 50 фоизидан
ортиқ қисмини хотин-қизлар
ташкил этади. Уларга ҳам зарур
шароит яратиш биринчи галда-
ги вазифамизга айланган. Ми-
сол учун, Дилафрўз Бойбўтаева-
нинг эри хорижда меҳнат
қиларди, ўзи ишсиз бўлган. Унга
хонадонидagi 6 сотих ерда гул
экиб, даромад топиш таклифини
бердик. Аввалига иккиланди,

кўни-кўшниллар ҳам бу ташаб-
бусга шубҳа билан қарашди.
Аммо қўллаб-қувватлаганимиз
аёлга ишонч берди. Имтиёзли
кредит олиб, гулчилик йўна-
лишида фаолиятини бошлади.
Бугун турмуш ўртоғи билан
йилига 60 миллион сўм даро-
мад топмоқда.

Саида Хожимуродова ша-
роити оғир бўлгани учун
“Темир дафтар”га киритгандик.
Унга фақат моддий ёрдам бе-
риш билан чекланмай, доимий
даромад манбаи яратишига

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Фаолиятимни “Mahalla”сиз тасаввур қила олмайман”



Тўймурод УМИРОВ,
Сирдарё туманидаги
“Истиқбол” маҳалласи
раиси:

— Китоб, газета ва жур-
нал ўқиш, аввало, инсоннинг
сўз бойлигини оширади.
Мутлоанинг фойдали
томонларидан бири —
одамлар билан мулоқотга
осон киришасиз. Ўзбеки-
стон ривожланади. Маъна-
вий озуқа олиш билан бирга
фикр ва мулоҳазаларимиз
теранлашади. Айниқса,
қўнчилик билан ишлайдиган
биз — маҳалла раисларининг

ўзимизга ишончимиз орта-
ди. “Еттилик” олдига қўйил-
ган вазифаларни бажаришга
сафарбар этишда ташаб-
бускорлик, ташкилотчилик
қобилиятимиз юксалади.

Шу боис соҳамизга
доир янгиликлар, илғор
тажрибалардан хабардор
бўлиб бориш мақсадида
“Mahalla” газетасига обуна
бўланман. Фаолиятимни
бу нашрсиз тасаввур қила
олмайман. Чунки одамлар
билан муомалада, уларнинг
муносабатларига тезкор
жавоб беришда жуда асқа-
тади.

қўмаклашдик. Хоҳишига кўра,
имтиёзли кредит олишига ер-
дамлашдик. Бунинг натижасида
ўзи ишли, даромадли бўлиб,
хориждаги фарзанди ҳам оила
бағрига қайтди. Биргаликда фао-
лият олиб бориб, йилига 40 мил-
лион сўм даромад топмоқда.



Маҳалламизга келсангиз,
баҳорий кайфият оғуши-
да қоласиз. Ёшу қарининг
ўзаро ҳамжиҳатлиги, бир-
дамлиги ҳавасингизни
келтиради. Бундай яқдил-
лик “Ташаббусли бюджет”
лойиҳасида жуда қўл
келди. Икки йилдан бери,
ғолибликни бермаймиз.

Айнан шу лойиҳа ёрдамида
кечаги агбор йўллар, таъмир-
талаб электр ва ичимлик сув
тармоқлари янгиланди. Ишо-
насишми, хўдудга хос инфра-
тузилма билан боғлиқ бирорта
муаммо қолмади. 18 та кўча-
нинг барчаси асфальтланди.
Айрим масалалар маҳаллий
дастур асосида ҳал бўлди. Эски
симёғочлар ўрнига бетон таянч
устун ўрнатилди. Ичимлик
сув тармоғи тортилиб, 510 та
хонадонга тириклик манбаи
кириб келди. Электр таъминоти
яхшиланди.

Туманда намуна сифатида
“Маҳалла сервис компанияси”
маҳалламизда ташкил этилган.
Ҳозир аҳолига 20 турдан ортиқ
хизмат кўрсатилмоқда. Корхона
раҳбари Алижон Абдуалимов
Жанубий Кореяда ўқиб кел-
ган. Хорижда олган билим ва
тажрибаси асосида ташландиқ
ерда бог ташкил этди. Хўдудда
чиқиндиларни йиғиш шохоб-
часи иш бошлади. Натижада
аввал қаровсиз ётган кўчалар
обод бўлди. Келажакда шу ер-
нинг ўзига чиқиндиларни қайта
ишлаш корхонаси очмоқчи.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Январь-октябрь ойларида ичимлик ва оқова сув тармоқларига 4,3 мингдан ортик НОҚОНУНИЙ УЛАНИШ ҲОЛАТИ аниқланди.



Тошкентда Ўзбекистон байроғининг 34 йиллиги муносабати билан ҲАРБИЙЛАРНИНГ ТАНТАНАЛИ ПИЁДА ЮРИШИ бўлиб ўтди.



“Ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатувчи “ШОВОТ-ТОШҲОВУЗ” ҚЎШМА ЧЕГАРАОЛДИ САВДО ХУДУДИ ишга туширилди.

Mahalla

№93 | 2025 йил 19 ноябрь, ЧОРШАНБА

5

ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ
ТОШЛОҚ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Бугун Тошлоқ тошли, муаммоли ҳудуд эмас

Бугун мендан маҳалла тизимидаги энг катта ва энг яхши ўзгаришларни санаб беришни сўрасангиз, биринчи навбатда, ҳудудларда камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш борасида қилинаётган ишларни кўрсатаман.



Ақромжон ТОЖИУМАРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тошлоқ тумани бўлими бошлиғи.

Х а, қисқа вақтда бу йўналиш умуммиллий ҳаракатга айланди. Жараёнда аҳолининг ўзи етакчи куч бўлиб чиқяпти. Жумладан, туманимизда камбағалликка қарши пул билан эмас, ақл ва билим билан курашяпмиз. Одамларга муносиб яшаш ва ишлаш шароити яратиб беряпмиз. Натижада бир пайтлар тошли, муаммоларга тўла бўлган ҳудуд бугун янги-ча қиёфа касб этяпти.

Зиммамиздаги вазифани бажаришда, аввало, “маҳалла еттилиги” ходимларига қулай шароит яратишга эътибор беряпмиз. Мисол учун, “Тошлоқ” маҳалласига янги бино қурилиб, зарур мебель жамланмаси билан таъминланди. “Қумарик” маҳалла аҳли ҳамжиҳатлиги натижасида “Ташаббус-ли бюджет” лойиҳасига киритилган тақлиф асосида янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди.

Одамлар розилигини олиш, турмуши фаровонлигини таъминлашда тadbир-корликни ривожлантиряпмиз, ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланыпти.

“Ахшакгузар” маҳалласи “оғир” тоифага киритилиб, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 3 миллиард сўмдан ортик маблағ ажратилди. Электр таъмино-

тини яхшилаш мақсадида 240 дона бетон таянч устун ўрнатилди. Оқова сув муаммосини ҳал этиш учун 2 дона тик қудуқ қазилди. Бу билан томорқадан самарали фойдаланиш имконияти яратилди. Шу ерлик одамлар билан гаплашсангиз, “Бу кунларни узоқ йиллар орзу қилгандик, ҳудого шукр орзуимизга етдик”, дея ўз миннатдорлигини билдиради. Дарҳақиқат, кўчаларни кезсангиз, шаҳардан фарқ қилмайдиган манзарани кўрасиз.

“Истиклол” маҳалласига ҳам 3 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Оқова сув муаммоси ҳал этилгач, ҳудудда гулчилик “ўсиш нуктаси”га айланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг энг афзал жиҳати, бу жараёнда ҳеч ким эътибор ва кўмакдан четда қолмаяпти. Қўлдан берганга қуш тўймас, деганларидек, уларга фақат пул олишни эмас, пул топишни ўргатяпмиз, камбағалликдан чиқишга ёрдам беряпмиз. Мисол учун, “Хўжаарик” маҳалласида истикомат қилувчи Ғанижон Кенжаев кўп йиллар хорижда ишлаган. Маҳаллага қайтгач, ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олганди. Бу маблағ эвазига 2 та иссиқхона қурди. 8 сотих томорқадан топаятган йиллик даромади 100 миллион сўм атрофида бўляпти.

“Қўларик” маҳалласида ҳам дастур ижроси доирасида ишлар йўлга қўйилган. Оқова сув, электр таъминоти яхшиланди, йўллар асфальтланди. 34 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. 10 та камбағал оиллага ҳоший бириктирилди. Тадбиркорлик истагидаги 14 нафар талабгорга имтиёзли кредит ажратилди.

“Турват” маҳалласидаги бўш турган бинода Комила Жўраева тикувчилик корхонаси ташкил этиб, 15 нафар қишлоқ аёлларини иш билан таъминлади. “Заркент” маҳалласида 7 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Бу ерда икки юздан зиёд тadbиркор фаолият кўрсатяпти. Маҳаллада томорқачиликда яхши тажриба бор. Яқинда бўш турган бинода Рисолат Қаримова ташаббуси билан ўттиз нафарга яқин хотин-қиз ишли бўлди. Бундан ташқари, 3 миллиард сўм маблағ эвазига янги хусусий тиббиёт маскани қурилди.

50 ўринли муассасада 10 та иш ўрни яратилди. “Қўрғонча” маҳалласида метални қайта ишлаш ва ишлов бериш корхонаси фаолият кўрсатяпти. Тадбиркор Салоҳиддин Солиев ташкил этган тармоқда 50 нафар ёшлар иш билан таъминланган. “Хамрак” маҳалласидаги 3 қаватли бўш турган бинода пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Қишлоқ аҳолиси учун 25 та иш ўрни яратилди.

Гувоҳ бўлганингиздек, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш имконсиз иш эмас. Бунинг учун ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуктаси” аниқланиб, муаммолар ҳал этилса, шунинг ўзи кифоя.

МАНЗАРА

ҲАЁТ АРИҒИДАН ОҚҚАН БАХТ НАШИДАСИ

Бахт ҳиссини ҳар ким турлича талқин қилади. Кимларгадир бахт, бу — оиласи тинч, хотиржам яшаши учун муносиб шароит бўлса, яна кимгадир у бойлик ва мол-дунё кўренишида акс этади. Лекин барча мезонлардан устун бўлган ўлчов бор, бу — эътибор.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси
ахборот хизмати раҳбари.

1 000 дан ортик хонадон, қолаверса, ижтимоий соҳа объектларига 2 та трансформатор хизмат кўрсатарди. Электр тармоғи деярли яроқсиз ҳолатга келиб қолганди. Аҳоли хонадонларининг 80 фоизи тоза ичимлик сув билан боғлиқ муаммодан қийналарди.

2022 йилдан ҳудуднинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. 13,5 км. ички кўча асфальтланди. 400 та симёғоч бетон таянчга алмаштирилди. 4 та янги трансформатор ўрнатилди, 14 км. ичимлик сув тармоғи тор-



Тошлоқ тумани марказидан 15 чақирим олисда жойлашган “Қумарик” маҳалласи аҳолиси ҳам бугун ўзини бахтли инсонлар сафига ҳисоблайди. Боиси кўп йиллар давомида тараққийётдан ортда қолган ҳудуд эътибор ортидан гўзал ва обод гўшага айланди. Агар бир оз муболаға билан айтсак, бахтни узоқдан изламай, бориға сабр, йўғиға умид қилиб яшаган аҳолининг елкаси офтоб кўрди.

Ҳудудда 5 020 нафар аҳоли истикомат қилади. 4 та кўчанинг аксариятида инфратузилма билан боғлиқ муаммо бор эди. 2019 йил ҳолатига айтадиган бўлсак, маҳалланинг 15 км. ички йўли асфальтланмаган, 300 та симёғоч яроқсиз эди.

тилди. Бунинг натижасида 850 та хонадонга биринчи марта оби-ҳаёт кириб борди. “Маҳалла еттилиги” учун янги бино қад ростлади. Иккита камбағал оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Йиллар кесимидаги таҳлиллар барча соҳада ўсишни кўрсатмоқда. Масалан, 2016 йилда тadbиркорлар сони 11 та бўлган. Бугунги кунда уларнинг сони 48 тага етди. Қўшимча 17 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил қилинди. 500 дан ортик янги иш ўрни яратилиб, жорий йилнинг ўзига 14 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун қумарикликларнинг кайфияти чоғ, дунёқараши ўзгарган.

ТАШАББУС

Лойиҳа “еттилик”ка ечим берди

Илҳом ҲАСАНОВ,
Тошлоқ туманидаги
“Найман” маҳалласи раиси.

Ҳозир кимдандир ёрдам кутиб ўтирадиган замон эмас. Чунки ҳар бир маҳаллада шароитни яхшилаш учун имконият бор. Озроқ интилиш, ташаббус бўлса, натижа куттирмайди.



Дастлаб эҳтиёжманд ва ишсиз хотин-қизларга субсидия асосида 8 та тикув машинаси ажратдик. Кейин хорижлик тadbиркорни ҳамкорликка жалб қилдик. Инвестор кичик корхона ташкил этиб, қўшимча 34 та тикув машинаси ўрнатди. Шу тарика ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди. Натижа яхши бўлгач, қўшимча 60 дона тикув машинаси келтирилди. Бугун жами 153 та иш ўрни яратилди. Шундан 70 тасида найманлик ишсиз хотин-қизлар банд. Ойлик иш ҳақи 2 миллион сўмни ташкил этяпти. Мисол учун, Нилуфар Отабоева, Одина Ҳошимова, Сарвиноз Омонова, Майрамхон Қувватова, Манзура Йигиталиева “Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқарилди.

Камбағалликни қисқартиришда аҳоли қизиқишига кўра, қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида кўплаб оилаларнинг моддий аҳоли яхшиланмоқда. “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Нарғиза Иминованинг турмуш ўртоғи ногирон. Вояга етмаган фарзандлари бор. Ишлай деса, болаларини, умр йўлдошини ёлғиз қолдира олмайди, ишламай деса, кун кўриш керак. Шундай оғир вазиятда уни қўллаб-қувватладик. Шароитини ўрганиб, мақсадини тингладик. Камбағалликдан чиқариш учун 30 миллион сўм кредит ажратдик. Эр-хотин тезда ишга киришди. Собик касб-хунар коллежининг бўш турган хонасини ижарага олиб, корхона ташкил этди. Бу билан нафақат оила бандлиги таъминланди, балки яна 5 та иш ўрни яратилди.

Режага кўра, йил охиригача тadbиркор Лазизбек Мелибоев дори ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этмоқчи. Унга собик касб-хунар коллежидан ижарага бино берилди. Агар шу лойиҳа ишга тушса, яна 50 та иш ўрни пайдо бўлади.

“ОБОД ХОНАДОН ТОМОРҚАДАН БОШЛАНАДИ”

“Қаровсиз қолдирилган ернинг уволи қаттиқ”

Кўпчиликка маълум, бошқа ҳудудларга нисбатан водийда аҳоли зич яшайди. Агар ишнинг кўзини билса, 5-6 сотих томорқаси бор одам — бой одам. Аммо шу майдон бўш ва қаровсиз қолса, уволи тутади. Буни маҳалламиз аҳолиси яхши англаган ҳолда, ҳар қарич ердан унумли фойдаланади. Бу борада туманда намунага айланганмиз. “Обод хонадон томорқадан бошланади” шиори остида уй ва кўчаларни тоза, озода сақлаш анъана тусини олган.

Азамжон ҚОДИРОВ,
Тошлоқ туманидаги
“Ахшакгузар” маҳалласи раиси.

Худуд “ўсиш нуктаси” — деҳқончилик, чорвачилик ва гулчилик. Айниқса, гулчилик йўналишида кичик бизнесни йўлга қўйган тadbиркорлар кўп. Мисол учун, Азизбек Маматқуловнинг бўш турган 8,5 сотих ери бор эди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси ва кўмағида имтиёзли кредит ҳисобидан иссиқхона қурди. Ўзимизда ўсувчи гуллардан ташқари, хориждан турли гул уруғлари олиб келиб, экди. Жорий йил январь ойида ерга қадалган уруғлар февраль ойининг бошида бўй кўрсатди. Тайёр бўлган кўчатлар икки бозорга сотилди. Яна бир вақилимиз — Беғали Тиллабоев хонадонидан бўлғор қалампир парваришлайди. Даромади ёмон эмас. Рўзгордан орган қисмига автомашина сотиб олди. Хулоса қилиб айтсак, томорқачилик — нафақат оилаларнинг моддий тўқислиги, балки бозорлар тўқинлиги манбаидир.



Аҳоли бандлигини таъминлаш учун хунарамандчилик ҳам ривожлантирилмоқда. Тоҳиржон Қаҳҳоров шу йўналишда меҳнат қилиб, кам бўлмаяпти. Оддий темирга ишлов бериб, гулдор дарвозалар ясашда унга тенг келадигани йўқ. Бу иш билан шугулланаётганига 10 йил бўлди. Хунар сирларини устози Равшанбек Ҳолматовдан ўрганган. Бугунги кунда ўзи ҳам 4 нафар ишсиз ёшга бош бўлиб, бандлигини таъминлаган. Буортмачиларнинг талабидан келиб чиқиб, дарвозалар, асосан, Тошкент ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Бухоро вилоятига етказиб берилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



ЖАМОАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА
ТАШКИЛОТЛАР тоифаси
жорий этилиб,
йирик компаниялар
олдига ҳисобдорлик
талаблари
қўйилади.



“My.gov.uz” порталидаги
маълумотлар
қоғоз шаклдаги ҳужжатлар
билан ТЕНГ
ЮРИДИК КУЧГА
эга бўлди, уларнинг қоғоз
нусхасини талаб қилиш
тақиқланади.



Бўстонлик туманида
қуввати 20 МВт. бўлган
ШАМОЛ
ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ
қурилади, у йилига
50 млн. кВт. соат
электр энергияси
ишлаб чиқаради.

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҚИБРАЙ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ДАСТУР АСОСИДА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРГА КЎМАК БЕРИЛДИ

ЖАРАЁН

ДАРОМАДСИЗ ОДАМ ЙЎҚ, БАНД БЎЛМАГАН ХОНАДОН

Бугун маҳалладаги қайси хонадонга кирманг, барчаси ўз ишлари банд. Бекорчи, даромадсиз одамнинг ўзи йўқ. Бу – “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилиши, кредит, субсидия ва моддий ёрдам ажратиш каби юздан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилиши натижасидир.



Маҳалла идорасига куёш панели ўрнатиб, ортган электр энергияни аҳолига улашяпмиз. Икки нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг хонадонлари ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Етти километрдан ортиқ кўчалар асфальтланди. Аҳолининг электр энергия муаммоси бартараф этилди.

Феруза ТОШМАТОВА,
Қибрай туманидаги
“Беруний” маҳалласи раиси.

Биргина кичик бизнес учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар натижасида ўнлаб ишсиз фуқаролар ўз бизнесига эга бўлди. Масалан, Клара Отажоновна имтиёзли кредит олиб, хонадонидида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйганида 5 нафар ишчиси бор эди. Ҳозир “Klara Women” корхонасида 55 нафар ишсиз аёл доимий даромад манбаига эга.

Раҳимберди Қурбонов раҳбарлигидаги “Х ТРЕХ” корхонасида матолар ишлаб чиқарилиб, эркаклар кийимлари тикиляпти. Қувонарлиси, маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилиняпти. Бу ерда меҳнат қилаётган икки юз нафар ишчи-ҳодимнинг ярами маҳалламиз фуқароларидир.

Яна бир фуқаро – Ўткир Муҳаммадалиев ҳам имтиёзли кредит олиб, “Ором” бренди остида сувни қайта ишлаб, қадоқлашни йўлга қўйди. Бу ерда “Аёллар дафтари”да турган олти нафар хотин-қиз ишляпти. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йил давомида ушбу ижтимоий дафтarda турган 88 нафар аёлнинг етмиш фоизига моддий ёрдам, тикув машинаси ва пишириқ печлари берилиб, даромадли қилинди.

Алишер Расулов эса сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. Бу ерда 30 нафар хотин-қиз банд. Этиборлиси, маҳалла аҳолиси рўзғоридан ортган сутни ушбу корхонага сотишади. Зарур маҳсулотларни эса шу ердан харид қилишади. Бу жараён тадбиркорга ҳам, фуқароларга ҳам қулайлик яратмоқда.

Бугун томорқачилик яхши даромад манбаига айланди. Буни яхши англаган маҳалла аҳолиси томорқасининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланяпти. Бирортаси бозордан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сотиб олмайди. Помидор, бодринг, картошка, пиёз, хуллас, рўзғори учун нима керак бўлса, барчасини экиб, ўзини ўзи таъминляпти. Ортганини бозорга чиқариб, қўшимча даромад оляпти. Қолаверса, 14 та фермер ҳўжалиги далаларида ғалла-

дан ташқари, етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз экинлари аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминляпти.

Бир сўз билан айтганда, интилан имкон топяпти. Тадбиркорлик бўлмаса, деҳқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланиб, рўзғорини обод этаётганлар сони кўпаймоқда. Энг муҳими, ишсизликдан холи ҳудудга айланыпмиз.

ҲОЛАТ

Имтиёз кўп бўлган жойда имкониётни чекланган, деб бўлмайди

Сурайё Жўраева “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида кредит олиб, хонадонидида иссиқхона ташкил этди. Ҳозир турли хил манзарали гул кўчатлари етиштиряпти.



Дилафрўз КАМОЛОВА,
Қибрай туманидаги
“Кўприкбоши” маҳалласи раиси.

Бугун хонадонга кирган кишининг баҳри дили очилади. Томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланилган. Бир қисмида иссиқхона, унинг ёнидан чиройли узум ишкомии қурилган. Сурайё узумдан ташқари, ток баргидан ҳам даромад оляпти. Гап шундаки, у пишиб етилган ямғирил ток барглари ни идишларга қадоқлаб чиқди. Энди уларни қиш ва эрта баҳор ойларида бозорга чиқариб пуллайди. Хонадонининг яна бир бурчагида пайвандланган кўчатлар парваришланмоқда.

Хуллас, ҳар бир нарсадан унумли фойдаланиб, оиласига қўшимча маблағ келтиряпти.

Ҳозир маҳаллада Сурайё сингари ўнга яқин фуқаро “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида кредит олиб, гулчилик билан шуғулланяпти. Абдуғани Ботиров 40 сотихли иссиқхонасида помидор ва бодринг экиб, маҳсулотларини экспорт қияпти. Мирзо Абдуллаев эса лимон етиштиришни йўлга қўйди.

Ўтизта хонадон эгалари чорва моллари боқяпти. Биргина Абдужаббор Комилов 50 бош қорамол боқиб, аҳолини гўшт маҳсулоти билан таъминляпти. Бахтиёр Шамсиметов эса гўшт ва тухум етиштиришга ихтисослашган паррандачи-

лик фабрикасида 20 мингта товуқ боқяпти. Бу ерда кунига 18 мингта тухум бозорларга чиқарляпти.

Имтиёзли кредит имкониёт чекланганларга кенг имкониёт очяпти. Жорий йил маҳалла раиси этиб сайланганимдан сўнг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 15 нафар, “Бизнесга бир қадам” дастури бўйича эса 10 нафар фуқаро кредит олиб, ўз бизнесини бошлади. Нодирабегим кўчаси 5-уйда яшовчи Фахриддин Эргашев ҳам ушбу имтиёздан унумли фойдаланиб, оилавий ошхона ташкил этди. Бу ерда ҳар яқшанба куни ҳалим тайёрланяпти. Унинг мазаси тезда овоза бўлиб, ҳатто пойтахтга етиб борди. Ҳозир Фахриддин аканинг иши “беш”, одамлар яқшанба куни ҳалим ейиш учун узундан-узун навбатда туришяпти.

Маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида катта ишлар бажарилляпти. Хусусан, ҳомийлар кўмагида Нодирабегим кўчасига 500 метр қувур тортилиб, аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди. Эски симёғочлар ўрнига бетон устунлар қўйилди. Айни пайтда Қорасув кўчасидаги 120 та хонадонга 2,5 километр олисдан ичимлик сув келтириляпти. Шу кўчанинг 1,5 километр қисми асфальтланиб, 40 та бетон устун ўрнатилди. Қувонарлиси, маҳаллада янги оилавий поликлиника қурилиб, фуқароларнинг 12 километр олисдаги шифохонага боришига чек қўйилди.

Бугун Чирчикдан пойтахтга ёки Тошкент шаҳридан Чирчиққа ўтган киши борки, маҳалламизга бир тўхтаб, ҳалими ёки гўжасидан тановул қилишади. Бу, ўз навбатида, гастрономик туризмга замин ҳозирляпти.

қабул қилишдаги асосий муаммо шундаки, ишга қабул қилган бюджет ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари уларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун тўсқинсиз муҳитни етарлича яратиб бермаляпти. Бунинг натижасида ногиронларнинг ишдан бўшаш ҳолатлари кўпаймоқда. Шу боис барча иш берувчилар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ҳам ўзларидидаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мажбурий тартибда тақдим этиши ва қвоталанган иш ўринларини яратиш тизимини йўлга қўйиши керак.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗЧИ?”



“Mahalla” — 19 йиллик мутولاам

Шухратилла ҲУСАНОВ,
Қибрай туманидаги “Аҳиллик” маҳалласи раиси:

– Маҳалламизда саноат корхоналари кўп. Хусусан, сув, сут, нон ва нон маҳсулотлари каби турли соҳаларда 79 та тадбиркорлик субъекти фаолият юртияпти. Шунингдек, учта ўкув маркази, хизмат кўрсатиш шохобчалари, тўйхона, кафе ва ошхоналар мавжуд. Ўзбекистон ўзга селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ҳам шу ерда жойлашган. Шу боис бу ерда олимлар, илм намоёндалари кўп.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ўзгаришлар катта бўляпти. Масалан, “Аҳиллик” маҳалласининг аҳил фуқаролари билан бирга, барча кўчаларни асфальтлаштирдик. Камолот ва Исмоилов кўчаларини “Обод кўча”га айлантирдик. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали мини футбол, баскетбол ва волейбол майдонларини қурдик. Ҳозир “Ишл макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Бўзсув ва Университет кўчаларига минг туп турли хил мевали дарахт кўчатларини экяпмиз. Олдин битта богча бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони учтага ошди. Оилавий шифохонадан ташқари, яна учта хусусий клиника иш бошлади. 12 та кўп қаватли уйда алоҳида модели қозонхона ёрдамида иситиш йўлга қўйилди. Қувонарлиси, маҳалла ишсизлик, камбағаллик ва ошлавий ажралишлардан холи ҳудудга айланди.

Маҳалла тизимида 19 йилдан бўён ишлаётган бўлсам, “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga доимий равишда обуна бўлиб келяпман. Чунки ушбу нашрларда маҳалла тизимига оид янгиликлар, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва “маҳалла еттилиги”нинг илғор иш тажрибалари ёритилади. Шу боис ушбу нашрларга келгуси йил учун ҳам обуна бўлдим.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.



Ота-она учун фарзандининг наркотик моддани истеъмол қилишини ИХТИЁРИЙ ТЕКШИРИШ ИМКОНИАТИ яратилади.



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: Ўзбекистонда 399,8 мингта тижорат ташкилоти бўлиб, уларнинг 313 мингтаси масъулияти чекланган жамиятлардир.



Ўзбекистонда тадбиркорларга чекларни 20 ноябрдан 10 декабргача ТАХРИРЛАШ ИМКONI берилади.

Mahalla

№93 | 2025 йил 19 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

7

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ШАҲРИСАБЗ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Маҳаллалар сайёҳлар учун қулай ва замонавий масканга айланишти

ЖАРАЁН

Биогумус — аксарият хонадоннинг даромадли маҳсулоти

Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришда ернинг унумдор бўлиши муҳим жиҳатлардан бири. Афсуски, бугун айрим ҳудудларда ерларнинг ҳосил бериш кўрсаткичи кескин камайиб кетган. Чунки фойдали бактерияларнинг йўқолиб кетганлиги натижасида ерларимиз заҳарланиб қолган.

Дўстмурод ХАЙДАРОВ,
Шаҳрисабз туманидаги
“Хонтепа” маҳалласи раиси.

Ерларни қайта даволашнинг энг самарали усулларидан бири — чувалчангларни кўпайтириб, биогумус ҳосил қилиб, ерларга беришдир. Биогумус таркибида 38 хил модда борлиги аниқланган. Масалан азот, калий, натрий, борий, мис, кобальт, рух, темир, титан, рубидий вермут ва ҳоказолар. Биогумуснинг хусусияти шундаки, у бошқа ўғитлардан 4-8 баробар кучли, тупроқ унумдорлигини 15-25 фоизга, ўсимликларнинг ўсиш қобилиятини 11-24 фоизга оширади. Энг муҳими, ҳосил икки ҳафта олдин тайёр бўлади.

Буни яхши англаб етган хонтепаликлар неча йилдирки, биогумус тайёрлаш билан шуғулланиб келяпти. Ҳозир 510 та хонадоннинг қарийб олти миш фоизи шу иш билан даромад топяпти. Ҳар бир хонадон эгаси 30 тоннагача биогумус тайёрлашади. Маҳсулотларнинг асосий харидорлари — Хоразм, Бухоро ва Тошкент вилоятларидан.

Иккинчи “драйвери”миз – тадбиркорлик. Ҳозирда 102 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатапти. Икки гектардан тўрт гектаргача тўртта йирик иссиқхонада помидор ва бодринг экилиб, экспорт қилинмоқда. Уларда 220 нафар фуқаро меҳнат қилапти. Яна 225 нафари пиллани қайта ишловчи “Ўзбекистон–Хитой” қўшма корхонасида мавсумий иш билан банд.

Сўнгги йилларда мебель ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, писта, туз, помидор ва бодринг ҳамда салқин ичимликлар қадокловчи, ширинликлар ва нон тайёрловчи тадбиркорлар кўпайди. Хусусан, Санжар Исмоилов жорий йил 100 миллион сўм кредит олиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 25 та янги иш ўрни яратилиб, аҳолининг зарур эҳтиёжи тўлиқ қопланди. Умрзоқ Эшонкулов эса турли ҳажмдаги шиша идишларда помидор ва бодрингдан тузлама салат қадокляпти.

Ана шундай ишбилармонлар ҳисобига маҳаллада ишсизлик даражаси кескин камайиб, камбағал оилалар даромадли қилиняпти.



2026 йилда Исломи таракқиёт банки маблағлари ҳисобидан маҳалла ин-фратузилмаси янгилиниб, ичимлик ва оқова сув тизими яхшила-нади. 10-мактаб-га 120 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилади.



Ҳисор тоғ ён-бағрида жойлашган Шаҳрисабз тумани сайёҳлар учун қулай манзил. Президентимизнинг “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ҳудудда катта ишлар амалга оширилиб, туризм масканига айлантирилди.

Сурҳан РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Шаҳрисабз тумани бўлими бошлиғи.

“Мираки”, “Полмон”, “Улоч” ва Амир Темури номидаги маҳаллаларда сайёҳлар учун қулайликлар яратилиб, умумий 240 гектар майдонда юздан ортққ лойиҳа амалга ошириляпти.

Бунинг натижасида икки мингта яқин доимий иш ўрни яратилади.

Бугун сайёҳлик маркази ҳисобланган Миракига элтувчи ва маҳаллалар ичидаги йўллар мукамал таъмирланиб, ҳудудлар обод қилинди, зарур қулайликлар яратилди. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида 600 нафар сайёҳни қабул қилувчи меҳмонхоналар, 300 ўринли оилавий хостел очилди. Туризм марказига айланган “Miraki spa and resort” дам олиш ҳудудида иккита меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар мажмуаси барпо қилинди. Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиеда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ташкил этилди. Болалар майдончаси, кўнгилочар боғ, нуронийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўча савдо шохобчалари маҳаллалар кўркини оширди.

Маҳаллаларда фуқаролар муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттичилиги” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлиги масалаларида “Қашқадарё таърибаси” жорий этилди. 53 та маҳалланинг ихтисослашуви ўрганилиб, янги ўсиш “драйвер”лари аниқланди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида Сайхунобод ва Уйчи туманлари ҳамда Хива туманидаги “Истиклол” ва Яққасарой туманидаги “Дилбулоқ” маҳаллалари таърибалари йўлга қўйилди. Амалга оширилаётган ишлар доирасида маҳаллалардаги “Омбор дафтари”га киритилган 3 минг 274 нафар ишсиз фуқаронинг 2 минг 947 нафарининг бандлиги таъминланди.

Барча маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ободонлаштириш ва кўлаамзорлаштириш ишлари олиб бориляпти. Шу кунга қадар 134 та кўчада ободонлаштириш ишлари ташкил этилиб, 21,4 километр лоток, арик, зовурлар тозаланди, 74 та қабристон тартибга келтирилди. 580 та симёғоч бетон устунга алмаштирилиб, 36 та трансформатор таъмирланди. Ички йўлларнинг 19,6 километр қисми

асфальтланиб, 34,2 километри шағаллаштирилди.

Томорқачилик борасида ҳам янги таърибалар татбиқ этилиб, катта ютуқларга эришиляпти. Масалан, “Ширамон” маҳалласида яшовчи тадбиркор Отабек Қўрбонов беш йил аввал 50 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, лимончилик фаолиятини бошлаган эди. Бугунги кунда у ушбу иссиқхонадан йилига 500 миллион сўмдан 900 миллион сўмгача даромад оляпти. Машрабжон Абдиев бошчилигидаги “Абдиев Машрабжон лимончилик” ҳўжалиги эса иссиқхонасини икки гектарга кенгайтириб, ҳосилни 100 тоннага оширмоқчи. Шу орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромад манбаи барқарор таъминланади. Иссиқхоналарда етиштирилаётган лимонлар нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада “еттилик”нинг амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботини ешитиш тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси ҳамда туман ҳокими бошчилигида сайёр қабуллар ўтказилиб, фуқаролар муурожаатлари тизими ҳал этилмоқда.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” билим ва таърибамни оширяпти

Санжар АБДИАХАТОВ,
Шаҳрисабз туманидаги
“Мевазор” маҳалласи раиси:

– Маҳалламиз “Шаҳрисабз–Мираки” йўналишида жойлашган бўлиб, аҳолининг аксарияти чорвачилик ва деҳқончилик ортидан рўзғор тебратлади. Маълум қисми ғаллачилик, пахтачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 11 та фермер ҳўжалигида меҳнат қилади.

Сут-қатиқ, гўшт ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ўзларидан чиқади. Масалан, мингдан ортққ хонадоннинг саксон фоизиди йирик шохли чорва ва қўйлар боқилади. Томорқа ерларида картошка, помидор, бодринг, булғор қалампир каби рўзғорбор экинлар экилади.

Яқинда маҳалладошимиз – Миробид Тўраев “маҳалла еттичилиги”нинг кўмаги ва тадбиркорларга берилётган имтиёз ва имкониятдан унумли фойдала-

ниб, хизмат уйини ташкил этди. Ҳозир бу ерда тикувчилик цехи, ўқув маркази ва тамаддиҳона ишляпти. Шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрляняпти. Аҳолининг саломатлигини тиклаш учун фитнес клуби ҳам йўлга қўйилган. Натижада рўйхатга олинган 180 нафар ишсиз фуқаронинг барчаси ишли бўлди. Яна қўшни маҳалладан 20 нафар ишсиз фуқаро даромадли қилинди.

Келгуси режаларимиз кўп. Уларни амалга оширишда “еттилик” аъзолари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориляпти. Қолаверса, янги раис бўлганим учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали орқали маҳалла тизимида оид қонун ҳужжатлари, янгилик ва ҳамкасбларим иш таърибасини кузатиб борилям. Ушбу нашрлар “маҳалла еттичилиги”нинг минбари бўлиши билан бирга, аҳолини бирдамликка, ташаббускор ва фаол бўлишга ҳам қорлаши лозим, деб ўйляйман.



Сахифани
“Mahalla”
мухбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.

ТУРИЗМ

Харид учун ҳар нарса ҳозир, ором учун жой ҳам мунтазир

Тоғ ён-бағрида жойлашган маҳалламизга азалдан дам олувчилар кўп келишади. Бироқ бу сўлим жойлардан ҳар ким ўз билганича фойдаланар эди. Соё бўлари бетартиб, оромгоҳларда инфратузилма етишмасди. Бугун Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ташаббуслари тўғайли бу манзил яхлит туризм кластерига – “Мираки” халқаро туризм марказига айланди.

Гуландон ШУКУРОВА,
Шаҳрисабз туманидаги
Амир Темури номидаги
маҳалла раиси.

Бизнинг маҳаллада ҳам сайёҳлар учун қулайликлар яратилмоқда. Йўллар асфальтланиб, тунги ёритгич чироқлари ўрнатилди. Пиедалар ва велосипед йўлаклари ташкил этилди. Бу ерга Қашқадарё вилоятдан ташқари, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларидан йилига 10 минг маҳаллий сайёҳ келишади. Сайёҳларни қизиқтириш учун дор йўли барпо этилди. Шунингдек, ҳудуднинг табиати ва шароитини кенг тарғиб етляммиз. Шу боис жорий йил Россия ва бошқа давлатлардан ҳам сайёҳлар келишди.

Эътиборлиси, маҳаллага йил давомида саёҳатга келиш мумкин. Бунинг учун маҳалладан оқиб ўтувчи Қорадарёнинг икки қирғоғида 4 та меҳмонхона ва 38 та уй меҳмонхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда дам олувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жамоавий келувчилар учун



Сирожидин Умиров раҳбарлигидаги 60 ўринли икки қаватли “Мираки сити” дам олиш мажмуаси, оилавий меҳмонларга эса Самадулло Бердиев оилавий меҳмон уйи тўрт фаслда ҳам хизмат кўрсатади.

Яна бир “драйвери”миз – малиначилик. Ҳозир 150 га яқин хонадон малина етиштиряпти. Йилига икки марта ҳосил териб, 100 килограммгача малина сотиляпти. Уларни бозор-ма-бозор кўтариб юришга ҳам ҳожат қолмаяпти. Яримдан кўпини сайёҳларнинг ўзлари харид қилишяпти. Одамлар бунга қўшимча

тарзида чорва моллари, асалари ва балиқ боқиб, даромадини оширяпти. Айниқса, истеъмолчилар талабис юқори бўлган “Маринка” балиғи кўпайтирилиб, кенг ривожлантириляпти.

Тоғнинг асалию сут-қатиғини истеъмол қилган киши борки, бу ерга яна қайтиб келади. Ҳали бу ерда янги иш ўрни яратадиган, аҳоли даромадини оширадиган йўналишлар кўп. Шу боис келгусида тоғ туризмидан ташқари, агро ва гастрономик туризмларни ривожлантириб, асаларчилик, балиқчилик ва чорвачиликни кўпайтирамиз.

